



ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ АМАЛИЁТИНИ  
САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ

doi: [https://doi.org/10.55439/ECED/vol23\\_iss4/a31](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss4/a31)

**Шавкатов Навруз Шавкатович -**  
Тошкент молия институти доценти (Phd)  
**Эсонбоева Гулрух Мухаммадқодир қизи -**  
Тошкент молия институти магистранти

**Аннотация.** Мақолада мамлакатимизда оилавий бизнесни ривожлантириш ва қўллаб-кувватлаш ҳамда уларни тадқиқотлар кўриб чиқилган. Оилавий бизнесни молиялаштириш, аҳолининг ўзини-ўзи бандлигига қўмаклашиш бўйича соҳадаги муаммолар атрофлича ўрганилиб, оилавий бизнеснинг асосий афзалликлари ва хусусиятлари ҳамда соҳадаги муаммоларни бартараф этиши юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** оилавий тадбиркорлик, ҳунармандчилик, касаначилик, кредитлар, банк кафолатлари, оилавий бизнес, аҳоли бандлиги, капитал, самарадорлик, лойиҳа, кредит, бюрократия, даромад.

ЭФФЕКТИВНАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ ПРАКТИКИ ФИНАНСИРОВАНИЯ  
СЕМЕЙНОГО БИЗНЕСА

**Шавкатов Навruz Шавкатович -**  
Доцент Ташкентского финансового института (Phd)  
**Эсонбоева Гулрух Мухаммадқодир қизи -**  
магистрант Ташкентского финансового института

**Аннотация.** В статье рассматривается ряд исследований, посвященных развитию и поддержке семейного бизнеса в нашей стране, а также их совершенствованию. Подробно изучены проблемы в сфере финансирования семейного бизнеса, стимулирования населения к самозанятости, разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по основным преимуществам и особенностям семейного бизнеса и устранению проблем в сфере.

**Ключевые слова:** семейное предпринимательство, предпринимательство, домашний бизнес, кредиты, банковские гарантии, семейный бизнес, занятость, капитал, эффективность, проект, кредит, бюрократия, доход.

EFFECTIVE ORGANIZATION OF FAMILY BUSINESS FINANCING PRACTICES

**Shavkatov Navruz Shavkatovich -**  
Associate professor of the Tashkent Institute of Finance (Phd)  
**Esonbaeva Gulrukh Mukhammadkadir kizi -**  
Master's degree student of Tashkent Institute of Finance

**Abstract.** The article reviews a number of studies on the development and support of family business in our country, as well as their improvement. Problems in the sphere of financing of family business, promotion of the population to self-employment are studied in detail, scientifically-based proposals and recommendations on the main advantages and features of family business and elimination of problems in the sphere have been developed.

**Keywords:** family entrepreneurship, entrepreneurship, home-based business, loans, bank guarantees, family business, employment, capital, effectadorlik, project, credit, bureaucracy, income.

**Кириш.** Республикаизда охирги йилларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва уларнинг уй томорқаларидан кенг фойдаланиш ҳамда оилавий тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш борасида бир қатор ишлар, чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада республикамизнинг барча худудларида оиласларни тадбиркорлик фаолиятига кенг

жалб қилиш, уларнинг барқарор ва қўшимча даромад манбаига эга бўлиши, миллий ҳунармандчилик янада ривожланиши, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташабbusлари амалга оширилиши, ёш тадбиркорларнинг истиқболли ғоялари ва лойиҳалари рӯёбга чиқиши ҳамда шу асосда аҳолининг бандлиги таъминланишига замин яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарорида “Меҳнаткаш халқимизнинг қадимий касб-хунар анъаналари, ишбилармонлик салоҳияти, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик ва бошқа тадбиркорлик фаолияти турларини кенг оммалаштириш”[1] зарурлиги таъкидланган. Бундан кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг жуда кўплаб йўналишларидан бири хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-куватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармонида кўзда тутилган мамлакатни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2019 йил 24 октябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4498-сонли, 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги, 2018 йил 14 июлдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 9 июндаги ““Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада хизмат қиласи.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш масалалари юзасидан асосий муаммолар қўйидагилардан иборат:

- оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида ажратилган кредитларнинг

молиялаштирилиш жараёнининг узоқ вақт давом этиши;

- молиялаштириш жараёнида кўплаб бюрократик тўсиқларнинг мавжудлиги;
- молиялаштирилган маблағларнинг бизнесга йўналтирилмаслик рискининг мавжудлиги;
- маблағлар имтиёзли кредитлар асосида ажратилган бўлса ҳам унинг қайтарилиш эҳтимоли рискининг юқорилиги;
- банк маблағларининг етарлича эмаслиги;
- хорижий инвестицион маблағларнинг кам жалб қилинаётгани.

Ушбу муаммоларнинг ҳал қилиниши аҳолининг ўзини-ўзи бандлигига кўмаклашида энг долзарб масала бўлиб хизмат қиласи. Маблағларнинг қайтарилмаслик рискининг олдини олиш мақсадида суғурта ташкилотларидан фойдаланиш, уларнинг фаолиятини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ. Хорижий инвестицияларни жалб этиш молиявий қўллаб-куватлаш маблағларининг етарлича тақсимланишига имкон яратади. Шу билан бирга, соҳани ривожлантиришда ўқитиши масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.**

Н.И.Баранец фикрига кўра, “Оилавий тадбиркорлик жамиятда барқарор ижтимоий-иқтисодий вазиятни таъминлаб, келажакка йўналтирилган ишбилармонлик муҳитини шакллантиради. Бунинг учун уларни қўллаб-куватлашда молиялаштириш имтиёзли тарзда, узоқ муддатга берилиши лозим” [5].

С.Д. Резник ўзининг “Оилавий иқтисодиётни бошқариш” номли асарида: “Оилавий ишнинг энг муҳим устунликларидан бири шундаки, пул оиладан чиқиб кетмайди ва барча оила аъзоларининг фаровонлигига хизмат қиласи, унинг молиялаштириш манбалари ташқи ва ички манбалар ҳисобланади” [6], – дея келтириб ўтган.

Халқаро меҳнат бюросининг генерал директори ҳисботларида айтилишича, “ривожланаётган мамлакатларда, кўпинча, оиланинг ўзи ишлаб чиқариш корхонаси бўлиб хизмат қиласи, яъни унда уч авлод биргаликда ишлаши ва ўз маошларини молиялаштириш сифатида бирлаштириши мумкин” [7]. Бу шуни англатадики, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлатдан молиялаштириш манбаи сифатида эмас, оилавий бизнесни оиланинг ўзини-ўзи молиялаштириш манбаи сифатида ҳам ривожлантириш имконини беради, яъни ўзини-ўзи молиялашти-

ган оилавий бизнес вакиллари рискни ўз бўйниларига олишади, фақатгина давлат уларга тадбиркорликни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитни таъминлаб берса, етарли.

Е.Г.Шаховалова фикрича, “оилавий тадбиркорлик нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳодиса ҳамдир. Оилавий тадбиркорликнинг давлат иқтисодиётидаги ўрни ошиши аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, оилавий бизнесни кенгайтириш, қўллаб-кувватлаш, молиялаштириш ва мустаҳкамлашдан манфатдорликни юзага келтириш билан бирга фуқаролар тадбиркорлиги, уларнинг интеллектини ишда кўрсатишнинг зарур шартига айланади, бу эса инсон руҳий-жисмоний ҳолатининг мувозанатини сақлаб туришнинг муҳим омили ҳисобланади” [8].

Э.В.Сайко тадқиқотларида оилавий тадбиркорликни молиялаштиришда энг асосий муаммолар ҳақида ўз қарашларини акс эттирган. “Оилавий бизнесга энг хос бўлган муаммолардан бири – иқтидорсиз қариндошларнинг ишга олиниши” [9], – дея қатъий фикрга келган. Бунинг сабаби оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда давлатдан молиялаштириш манбай ажратилгандан сўнг ҳам бизнесни юрита оладиган иқтидорли кадрлар, яъни оила аъзоси бўлмаса, молиялаштириш самарасиз кечади ва бизнес ривожланмай қолади.

Бизнинг фикримизча, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат учун жуда катта аҳамиятга эга, чунки аҳоли ўзини-ўзи банд қилган ҳолда, ўз эҳтиёжларини ижтимоий фойдали фаолият билан машғул бўлиб қондиради. Ишсизлар сони камаяди, бу давлат бюджетидан ортиқча сарф-харажатларни сезиларни тарзда камайтиради [10].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларидан самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи стратегик йўналишлар белгиланган. Тадқиқот обьекти сифатида оилавий тадбиркорлик субъектлари танлаб олинди.

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалардан бири аҳолини иш билан таъминлашdir. Бу борада жуда кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирларнинг яна бир янги йўналиши аҳолининг ўзини-ўзи иш билан таъминлашдан иборатdir. Ўзини-ўзи банд қилишнинг бошқа

йўналишларга нисбатан ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу ҳолат қўйидаги беш сабабдан келиб чиқади:

- шахсий қониқиши;
- мустақил фаолият олиб боришга интилиш;
- эришилган фойдани ўзи олиши;
- бандлик кафолати;
- шахсий мавқенини мустаҳкамлаш.

Ушбу тамойилларнинг ҳар бири ўзига хос мазмунга эга. Улардан бири шахсий қониқишидир. Инсоннинг табиати шундай, у қаерда ишламасин, қаерда яшамасин, энг аввало, шахсий қониқиши ҳосил қилишга ҳаракат қиласи. Аммо бунга меҳнат жамоаларида жуда яхши ишлаб ҳам шахсий қониқмаслиги мумкин. Бироқ одам ўзи хоҳлаган ишни ўзи қилса ва ундан маълум даражада манфаатдорлик таъминланса, жуда катта шахсий қониқиши ҳосил бўлади. Бундай ҳолат одамни жуда катта ва йирик ишларни амалга ошириш учун асос бўлиши мумкин.

Аҳолининг турли қатламларини, шу жумладан, ёшлар, кам таъминланган ва ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар ҳамда кичик корхоналарнинг тадбиркорлик ташабbuslarinini молиявий қўллаб-кувватлаш бўйича бир қатор дастурлар амалга оширилмоқда. Биргина 2021 йилда “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурини амалга ошириш учун 7,2 триллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди [4].


Шу билан бирга, бир қатор ҳал этилмаган муаммолар сақланиб қолмоқда, айниқса, ер участкаларини ажратиш, курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш инфраструктузилмасидан, кредит ва бошқа молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини таъминлашда бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.

Одамлар ўзини-ўзи иш билан таъминлаш эвазига шахсий қониқиши ҳосил қилишига сабаб у моддий жиҳатдан бойлик орттириш билан бирга маънавий қониқишини ҳам ҳосил қилиб, ўзини-ўзи рағбатлантиради ва ўзини-ўзи тақдирлайди. Демак, ушбу жараённинг ўзига хос хусусиятларидан бири ўзи ишни ташкил қиласи, ўзи ишлайди ва бошқаларни ҳам ишлатади, қилинган даромади, олган фойдаси эвазига маънавий қониқиши ҳосил қиласи. Буларнинг ўзаро боғлиқлиги қўйидаги 1-расмда көлтирилган.

Маҳаллаларда касаначиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бир маҳаллада “Касаначилик марказлари”ни ташкил қилиш

бўйича таклифнинг асосланганлиги натижасида аҳолининг бандлиги оширилиши билан бирга уларни ижтимоий ҳимоялаш статистик

кўрсаткичи 10,0 фоизга кенгайтирилган ва уларни мақсадли ҳимоялаш имконияти яратилган [11].



**1-расм. Аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиб, моддий ва маънавий бойликка эришгунча бўлган босқичлар [10]**

Ушбу тадбир мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал қилиш билан бирга маҳаллалар иқтисодий қудратини ҳам тиклаш имкониятини яратади. Маҳаллаларда ишсиз аёлларни иш билан таъминлашдан маҳалланинг ўзи манфаатдор бўлади ва бундай ишларни ташкил қилишга маҳалланинг ўзи жонбозлиқ билан киришади. Бу масалаларни ҳал этишда мамлакатда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Хозирги вақтда дунё мамлакатларида кичик тадбиркорликнинг аксарият қисмини оилавий корхоналар ташкил қиласди. Оила бизнесини ташкил этишнинг мазкур шакли ижтимоий ва иқтисодий устунликлари унинг субъектлари фаолият кўрсатишнинг юқори самарадорлиги, узоқ вақт давом этиши ва уларнинг жадал ривожланишини таъминлайди. Кўплаб иқтисодий ривожланган мамлакатларда, айнан, оила тадбиркорлигини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотларни олиб борувчи, унинг манфаатларини ҳимояловчи ва оилавий корхоналарнинг фаолият кўрсатishi борасида тажриба алмашиб учун мунозара майдонларини ташкил этувчи маҳсус бирлашмалар фаолият юритади. Бу аҳолини тадбиркорлик фаолиятига фаол жалб қилишни кенгайтириш, оилавий иш анъаналарини ривожлантириш ва оила тадбиркорлари сулоласини шакллантириш имконини беради.

Оилавий тадбиркорликнинг асосий қулийларни ва хусусиятлари қўйидагилардан иборат [10]:

а) қулай ва тезкор қарорлар қабул қилиш имконияти. Йирик корхоналар билан солиштирилганда, оилавий бизнесда бошқарув қарорларини қабул қилиш тузилмалари соддадаштирилган бўлиб, бу бозор конъюнкту-

расига хос ўзгаришларга тезда мослашиш имконини беради;

б) ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ шу худуддаги бозорга йўналтирилганлиги. Оила-вий тадбиркорлик қоидалар, урф-одатлар ва маҳаллий бозорнинг бошқа хусусиятларини ўрганиш учун ғоят мос келади;

в) бандликни сақлаб туриш ва янги иш ўринлари барпо этиш. Ушбу муаммо Ўзбекистон учун ҳам ўта долзарб ҳисобланади, аҳоли сонининг доимо ошиб бориши ортиқча ишчи кучи кўпайишига олиб келмоқда, оила тадбиркорлиги эса бўш ишчи кучини ўзига олиб амортизатор ролини ўйнаши мумкин;

г) йирик ишлаб чиқарувчиларга нисбатан ёрдамчи функцияларни бажариш. Йирик корхоналар негизида ишлаб чиқариш жараённинг босқичларини оилавий корхоналарга топширган ҳолда мазкур жараённи марказлаштирилган бошқарув тизимидан чиқаради;

д) дастлабки инвестицияларнинг кичик ҳажми. Оила-вий корхоналарни тузиш муддатлари қисқа; улар тез ва арzon қайта жиҳозланниши, янги технологияларни жорий этиши ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириши, машина ва қўл меҳнатининг оптимал уйғулигига эришиши мумкин;

е) оилавий корхоналарда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлади;

ж) оилавий корхоналарнинг инновацион хусусияти. Аксарият иқтисодчилар кичик бизнес фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда муҳим роль ўйнашини таъкидлашади.

Оилавий тадбиркорликни молиялаштиришда асосий йўналишлар сифатида қўйидагиларни кўрсатиш мумкин (2-расм).



2-расм. Оилавий тадбиркорлик фаолияти турлари [12]

Оилавий тадбиркорликни молиялаштиришда рискларнинг олдини олиш, аҳолининг тўлов қобилиятини баҳолаш мақсадида қуидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқишини таклиф этамиш. Оилавий тадбиркорликда тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушининг кўпайиши оилавий фаровонликнинг ошиб боришини кўрсатади. Оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улушини (Тдул) қуидагича аниқлаш мумкин:

$$\text{Тдул} = \text{Тд}/\text{Уд};$$

Бунда:

Тд – оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар миқдори;

Уд – оиланинг умумий даромадлари суммаси.

Тадқиқотларимиз натижасида оилавий тадбиркорликдан олинган даромадлар оиласининг бошқа даромадлари билан ўзаро боғлиқлиги аниқланди ва ушбу боғлиқлик натижасида қуидаги омиллар юзага келди. Буларга:

➤ тадбиркорлик даромадларининг мулкни ишлатишдан олинган даромадларни қоплаш даражаси (Тдми);

➤ мулкни ишлатишдан олинадиган даромадларнинг иш ҳақидан олинадиган даромадларни қоплаш коэффициенти (Тмиҳ);

➤ иш ҳақидан олинган даромадларнинг ўзини-ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадлардаги ҳиссаси (Ихўз);

➤ ўзини-ўзи иш билан таъминлашдан олинган даромадларнинг умумий даромадлардаги улуси (Ўзуд).

Ушбу омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодалаш учун қуидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Тдул} = \text{Тдми} * \text{Мииҳ} * \text{Ихўз} * \text{Ўзуд}$$

Ушбу формулага аниқ маълумотларни кўллаб, оилавий тадбиркорликдан олинган даромадларнинг оиласининг умумий даромадларидағи улушига таъсирини аниқлаш мумкин бўлади.

Оилавий тадбиркорлик субъектлари нафақат маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи, балки ўз маҳсулот ва хизматларини жаҳон бозорларига экспорт қилувчи рақобатбардош иқтисодиёт секторига айланшини таъминлаш лозим. Бунинг учун эса оилавий тадбиркорликни ҳар тарафлама қўллаб-куватлаш, солиқ имтиёзларини бериш, молиялаштириш манбалари сифатида хори-

жий мамлакатлардан инвестицияларни фаол жалб этиш лозим.

**Хулоса ва таклифлар.** Хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш йўлларини илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилиш натижасида қўйидаги хулосаларга келинди:

- оила хўжаликларига кўрсатиладиган хизматлар ҳажмининг оила даромадлари ва харажатлари даражасига боғлиқлигининг қиёсий таҳлили амалга оширилди ва хизматлар самарадорлигини оширишнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқилди. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий қилиниши оилавий тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини тъминлашга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш йўлларини кўрсатиб беради;

- мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ўз самарасини оилавий корхоналар туркумида ҳам кўрсатади. Бу эса иш билан бандликнинг ошиши, аҳоли даромаддаги янги манбаларнинг ишга туширилиши, ижтимоий зиддиятлар олди олиниши каби қатор вазифалар ҳал бўлишига имкониятларни кенгайтиради;

- оилалар кесимидағи тадбиркорлик салоҳиятининг янги поғонага кўтарилиши, амалий-инновацион ёндашувларни жорий

этиш барча даҳлдор томонларнинг юксак мастьулияти ҳисобланади;

- хорижий мамлакатларда илмий тузилмалар оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва молиялаштириш соҳасида тадқиқотлар олиб бориб, ушбу йўналишда тажриба алмасиши, улар манфаатини ҳимоя қилиш, мавжуд муаммолар юзасидан мунозаралар олиб боради.

Шунингдек:

- маҳаллаларда оилавий тадбиркорлик орқали даромад топиш, иш билан банд бўлиш истагида бўлган аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш, молиялаштириш жараёнида ҳоким ёрдамчиларининг кўмаклашувини таъминлаш;

- маҳалла аҳолисини оилавий тадбиркорликка фаол даъват этувчи ва қўллаб-куватловчи бошқариш тузилмаси ва механизми ишлаб чиқиш;

- оилавий тадбиркорлик кластерини алоҳида худудда (туман, шаҳар) жойлашган маҳалла фуқаролар йиғини (МФЙ) ёки қишлоқ фуқаролар йиғини (ҚФЙ) негизида ташкил этиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Хулоса қилиб айтганда, илмий мақолада ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда оила фаровонлигини тъминлаш, аҳолининг яшаш даражаси ва сифатининг яхшиланишига олиб келиш имконини яратади.

### **Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июнданги “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида”ги қарори. // “Халқ сўзи” газетаси. 2018 йил 8 июнь. 1-2-бетлар.
2. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Оилавий тадбиркорлик тўғрисида. ЎзР қонун хужжатлари тўплами, 2012 й. 17-сон, 188-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастурини амалга ошириш тўғрисида. <http://andijon.uz/news/>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар хуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-куватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан таомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиши тўғрисида”ги ПФ-5780-сонли фармони.
5. Баранец Н.И. Социальные аспекты семейного предпринимательства: опыт социологического исследования. Ученые записки, 2018, № 4.
6. Резник С.Д. Управление семейной экономикой. – М., 2015. С. 15.
7. Доклад Генерального Директора Международного бюро труда «Труд как средство борьбы с нищетой» на 91-й сессии МОТ. 2003 г., с. 55.
8. Шаховалова Е.Г. Перспективы развития семейного бизнеса в России. Ползуновский альманах. 2009, № 3. С. 30.
9. Сайко Э.В. Проблемы поколений в современной исторической ситуации. // Мир психологии. 2009. № 3. С. 169.
10. Муаллиф томонидан илмий изланишлар натижасида ишлаб чиқилди.
11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
12. Беркинов Б.Б. Оилавий тадбиркорлик салоҳиятини ошириш йўллари. Монография. – Т., 2019 й. – 76 б.
13. Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практической. // Российский внешнеэкономический вестник. № 9, 2011. С. 17-20.
14. Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: Iqtisod-moliya, 2008. – 340 с.
15. Убайдуллаева Р.А. Семья в Узбекистане. Монография. – Т.: Фан, 2012. – 185 с.